Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 16 июль, чоршанба • № 56 (10.934) • Эркин нархда сотилади

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СЕРМАЗМУН КУНЛАР

● 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТ Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Жанкарло Арагонанинг ушбу ташрифи ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам эканлигини таъкидлади.

● ЎТГАН душанба куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди. Мажлисда ижтимоий соҳада иқтисодий ислоҳотлар боришининг биринчи ярим йиллик якунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлисда бозор инфратузилмасининг йилнинг биринчи ярмидаги иш якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Инсон манфаатларини таъминлаш борасида «1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

ПУЛДОР БЎЛСАНГ, МУЛКДОР БЎЛАСАН

ЎЛКАШУНОСЛИК музейи директори Рўза Григорьевна Загирова нима қилишини билмай қолди. Фуқаро бозорга сотиш учун олиб чиққан нодир нишонларнинг ноёблигини тушуниб турарди, лекин, уни сотиб олиш учун маблағ йўқ эди. Ваҳоланки, бу буюмлар шаҳар тарихининг яна бир қиррасини очиб берарди. Бу фикрини сотувчига куйиб-пишиб тушунтирди, бу ашёлар айрим шахслар қўлига тушса, изсиз йўқолиб кетиши мумкинлигини айтиб, бир-икки кун сабр қилиб туришни ўтиниб сўради. Музей директорининг сўзлари ниҳоят таъсир қилди шекилли, икки кун сабр қилишини айтди.

Рўза Григорьевна бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. Лекин, бир неча минг сўмни қаердан олади? Янги ташвиш уни қийнай бошлади. Кўп ўйлагач, шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Двумар Нувазовга қўнғироқ қилиб, моддий ёрдам сўрашдан бошқа иложи қолмади.

Раис музей директорининг илтимосини бажаришга ваъда берар экан, шаҳардаги хусусий корхоналар раҳбарларининг биридан керакли маблағ топилиб қолишини айтди. Ҳақиқатан ҳам ҳомий дарҳол топилди. «Мутахассис» тадбиркорлик тизими раҳбари Шавкат Йўлдошев музейга экспонатларни сотиб олиш учун етарли маблағни берди. Шундай ҳайрия туфайли ўлкашунослик музейи қимматбаҳо буюмлар билан янада бойиди.

Чирчиқ шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси шундай «майда-чуйда» ишларга ҳам кўмаклашмоқда. Фуқароларнинг хусусий корхона ва фирмалардан олган сифатсиз маҳсулотлари ҳақини ундириб беришга ҳам ёрдамлашмоқда. Бу билан истеъмолчининг манфаати ҳимоя қилинаяпти. Ҳайрия ишларида имкони борича кенг қатнашмоқда. Масалан, шаҳардаги мактаб-интернатга моддий ёрдам кўрсатилди. У ердаги тарбияланувчилар учун бир неча минг сўмлик кийим-кечаклар совға қилинди...

Бундан бир йил илгари ташкил этилган шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг асосий вазифаси, албатта, шулардангина иборат эмас. Палата, аввало, тадбиркорлик тизимларидан уюшган ташкилот бўлгани учун ҳам уларнинг хизматида бўлиши, ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Шу боис ишни ташкил этиш ва олиб боришдан тортиб, уларнинг давлат идоралари олдида манфаатларини ҳимоя қилишда энг яқин маслаҳатчи бўлмоқда.

— Палатамиз аъзолари сони тобора кўпайиб бормоқда, — дейди Двумар Нувазов. — Ҳозир 427та хусусий фирма, кичик корхона, ширкатлар аъзо ҳисобланади. Ҳаммасининг

Иқтисодий ислоҳот одимлари

бўлмаса ҳам кўпчилигининг ўзига яраша ташвишлари ва муаммолари бор. Уларни ҳал қилиш ва енгиллаштиришга кўмаклашиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шунинг учун ҳам барча саъй-ҳаракатларимиз, аввало, шу асосий вазифани тўла-тўкис бажаришга қаратилган.

Палата раҳбарияти шу мақсадда қатор ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Унинг ҳузурида тадбиркорлик тизимларини ахборотлар ва материаллар билан таъминлаш билан шуғулланувчи «Янги ҳаёт» хўжалик ташкилоти тузилди. Шу кунларда палатада тадбиркорларга юридик ва аудитор хизматлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий ислоҳотларнинг турли муаммоларига бағишланган семинар-кенгашлар ҳар ойда бир марта мунтазам ўтказиб турилади. Олдиндан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қандай масалалар қизиқтираётгани, қандай муаммоларни ҳал қилишда қийинчиликка учраётганликлари, қайси соҳада билимлар етарли эмаслиги панд бераётганлиги ва уларнинг фаолиятини яхшилашга ёрдам бериш учун нималар қилиш лозимлиги обдон ўрганиб чиқилади. Айниқса, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан чиққан янги қонунлар, фармонлар ва қарорларни уларга кенг тушунтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан бери ўтказилган семинар-кенгашлар, асосан, шу мавзуларга бағишланди.

Шу йилнинг бошларида шаҳар тадбиркорларининг «Ташаббус-96» кўрик танлови ўтказилди. Унга шаҳардаги барча тадбиркорлик тизилмалари қизғин тайёргарлик кўрдилар. Тадбир ғолиби бўлган хусусий ва кичик корхоналар, фирма ва ширкатларни мукофотлаш, уларга, айниқса, кредитлар олишда бериладиган имтиёзлар барвақт маълум қилинди. Палата шу мақсадда ўз ҳисобидан бир юз йигирма минг сўм маблағ ажратди.

«Кимёгар» маданият саройида ўтказилган тадбир кўпчиликни қизиқтирди. Аксарият тадбиркорлар унда қатнашдилар. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намуналарини шу ерда уюштирилган савдо ярмаркасида намойиш қилдилар, янги шериклар, харидорлар, буюртмачилар топдилар, маҳсулотларининг олди-сотдиси бўйича улар билан шартномалар тузилди.

Унда кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари, якка тартибда меҳнат билан шуғулланувчилар ва ҳунармандлар ғолиблик учун курашдилар. Беллашувда «Аҳил» кичик корхонаси, «Рассвет» ширкати, хусусий «Натали» тикувчилик фирмаси синчков ҳайъат аъзоларининг ҳукми билан «Ташаббус-96»нинг ғолиби бўлдилар, яна бир қанча тадбиркорлик тизилмалари ҳам иккинчи ва учинчи мукофотли ўринларни эгаллашди. Ғолиблар совутгичлар, телевизорлар, видеомагнитофонлар ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Кейинги вақтларда шаҳарда барпо этилган қатор тадбиркорлик тизимлари турли миқдорда кредит олишди. Жумладан, чорвачилик билан шуғулланадиган «Камолот» фирмасига икки миллион сўм, асаларичиликни фаолият шакли қилиб олган «Боб» фирмасига бир ярим миллион сўмлик кредит берилди. Албатта, бу осонликча ҳал бўлмади. Шаҳар палатаси ҳам кўп куч-ғайрат сарфлади.

— Ҳозирги вақтдаги тартибга мувофиқ, — дейди палата раиси, — шаҳар ва туман «Бизнес фонд»лари 2 миллион сўмгача кредит бериш ҳуқуқига эгалар. Ундан кўпроқ бўлса, масалан, 5 миллион сўмгача кредитни фақат вилоят «Бизнес фонди» бера олади. Бундан ортиқ бўлса, уни бериш республика «Бизнес фонд» ҳиссадорлик жамиятида ҳал қилинади. Бунинг устига кредит олувчи гаровга нимани-дир қўйиши керак. Жуда бўлмаганда, кредит маблағининг 20 фоизини қоплайдиган мулк билан кафолатлаши лозим. Қолган қисмини қоплайдиган мулкни унга хомийлик қилувчи корхона ёки ташкилот гаровга қўйиши керак. Бу кредит олишда катта қийинчилик туғдирмоқда. Чунки, бундай хомийлар топиш қийин бўлаяпти. Ким ҳам кафолат беришга кўнади. Шунинг учун ҳам, — дейди раис фикрини давом эттириб, — тадбиркорлик тизимларига кредит бериш ҳуқуқини шаҳар ва туман ташкилотларига ҳавола қилиш керак, деб ўйлайман. Чунки, улар маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни яхши биладилар, уларнинг имкониятларидан тўла хабардорлар. Кредит беришда шу томонлар ҳисобга олинади. Қарзни вақтида узиш қўлидан келадиган ишбилармонларга кредит бемалол берилиши мумкин бўлади, сарсон-саргардон бўлиш, оворагарчилик бартараф этилади.

Двумар Леохунович яна бир муаммо ҳақида ўз фикрини билдирди. Маҳсулот тайёрлаш учун зарур материаллар ва хом ашёлар топиш жуда мураккаблашиб кетди. Шу сабабли айрим кичик ва хусусий корхоналар, фирмалар ёпилиб қолмоқда. Буни енгиллаштиришнинг асосий йўлларидан бири бартерни жорий қилишдир. Тадбиркорлик тизимларига шу усулни қўллашга рухсат бериш ёки бу соҳада енгиллик туғдириш лозим. Тўлов операциялари, пулни конвертация этиш йўқлиги шароитида шундай қилинса, айни муддао бўларди. Ишбилармонлар ўз маҳсулотларини хорижий мамлакатлардаги хомашёларга алмаштириш йўлларини излаган ва топган бўлар эдилар. Бу эса биринчи навбатда истеъмол бозорини тўлдиришга хизмат қилади.

М. МАҲМУДОВ.

СЕРМАЗМУН КУНЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Япония мутахассислари ҳамкорликда Қашқадарё вилоятида бунёд этган Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга туширилди. 14 июль куни мазкур иншоотнинг тақдимот маросими бўлди. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов станция қурилиши қатнашчиларига табрикнома йўллади. АҚШнинг «М. Ю. Келлогг», «Дрессер» ва Японияннинг «Нишо Иваи» компаниялари иштирокида бунёд этилган бу ноёб иншоотнинг бир кеча-кундуздаги иш унумдорлиги 4,2 миллион куб метрни ташкил этади.

● ИНСОН ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий марказида Ўзбекистон ҳукумати билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими (1-босқич)» деб номланган Дастурни расмий имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатни БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидовлар имзоладилар.

Воқеалар, хабарлар, мулоҳазалар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ФОЙДА ИККИ МИЛЛИОНДАН ОШДИ

АНГРЕН шаҳар босмахонасининг байналмилал жамоаси жорий йилда самарали ишламоқда. Ойлик ишлаб чиқариш топшириқлари муттасил ортиғи билан бажарилмоқда. Матбаачилар шу йилнинг ўтган биринчи ярмини механтда яхши кўрсаткичлар билан якунлашди.

Етти миллион икки юз минг сўмликдан кўпроқ даромад олган жамоанинг иши тақдирга сазовордир. Чунки, шунча маблағнинг 2 миллион етти юз минг сўмини соф фойда ташкил этади. Ундан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ярим миллион сўм ажратилган бўлса, ишчи-хизматчиларни ижтимоий мухофаза қилишга 600 минг сўм сарфланди. Ўртача иш ҳақи эса 7189 сўмни ташкил этди.

Даромадга қараб буромад, деб шунга айтишар эканда. Унумли ва сифатли ишлашдан, аввало, жамоанинг ўзи кўп манфаат кўрмоқда.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

ҲАР КУНИ 8 МИНГ ТОННА

Ангрендаги кўмир разрези жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигини муносиб нишонлаш учун кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Корхонанинг барча участкаларида ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун кураш авж олган. Ҳозирги вақтда бир кеча-кундузда 8 минг тонна атрофида «қора олтин» қазиб олиниб, мижозларга юборилмоқда.

Ушбу суратда оғир юк кўтардиган «БелАЗ» автомашинасининг ҳайдовчиси Тўрғун Усановни кўриб турибсиз. У кўмир ташишда юқори кўрсаткичларга эришиб, ишда касбдошларига намуна бўлмоқда.

В. ГРАНКИН олган сурат.

«ГЎЗАЛ»НИНГ УСТАХОНАСИ

ҚИБРАЙ туман марказидаги турли моллар дўкони «Гўзал»нинг фойдаланилмай ётган омборини тадбиркорлар ижарага олишди.

Хонанинг ичини енгил автомобилларга хизмат кўрсатишга мослашди. Катта дарвоза ўрнатишди. Қаровсиз қолган жойга тез орада файз кирди. Ҳозир бу ерда устахона хизматига муҳтож бўлган мижозларнинг машиналари навбатда турибди. Яқин кунларда балон ямаш бўлими ва эҳтиёт қисмлар дўкони ҳам ишга тушади. Дарвоқе, «Гўзал»нинг устахонасида истаган русумдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатилаётир.

Тўлқин ЁРБЕКОВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

«Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифлари» шиори остида ўтказилган республика танловида вилоятимизнинг ижодкор ўқитувчилари ҳам қатнашдилар.

Яқинда билим, маҳорат, малака синовига якун чиқарилди. Кимё фани бўйича тузилган тест синовлари орасида Оққўрғон туманидаги лицей-интернат ўқитувчиси М. Алибеков иши муносиб тақдирланди. Кимё бўйича танловда у тузган тест саволлари учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Физика бўйича бўлган беллашувда эса Пскент туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси Т. Йўлдошев иккинчи ўринни эгаллади. Бекобод шаҳридаги 20-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Р. Эргашев иши рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

Ғолиб ўқитувчилар билан республика тест давлат маркази ҳамкорлик шартномаларини тузди.

Акбар АЛИЕВ.

УНИБ ЧИҚДИ

КАРТОШКАНИ иккинчи нонимиз деймиз. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бу неъматни йил сайин кўпайтириш имкониятини бермоқда.

Бунда вилоятимиз деҳқонларининг ҳам ҳиссаси бор. Эртаги картошкадан баракали ҳосил олган деҳқонларимиз, вилоят бўйича 2000 гектардан ортиқ майдонга кечки картошка экиш тадбирини муваффақиятли якунлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ерни, уруғликни ва бошқа воситаларни тайёр қилиб қўйган хўжаликлар яхши натижага эришмоқдалар. Ҳусусан, Зангиота туманидаги «Бўзсув», «Наврўз», Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжаликлари тажрибаси ибратлидир. Улар белгиланган майдонларга кечки картошкани экиб бўлдилар. Олди далаларда уруғлик униб чиқди.

Кечки картошка чилла сувини ичсагина яхши хосил беради. Шунинг учун бу ишни иложи борича тезлаштириш керак.

Н. ИСАЕВ.

Ғалла мустақиллиги учун

ЧИНОЗЛИКЛАР МАРРАДА

Ўтган шанба куни Чиноз тумани ғаллакорлари 13 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли ғалла топшириб, давлат буюртмасини бажардилар.

Ҳар гектар ердан ўриб-йиғиб олинаётган ҳосил 35,5 центнерни ташкил этмоқда. Мавсумда далаларда 38 та «Нива» ва «Енисей» ҳамда 3 та «Кейс» комбайнлари ишлади.

— Тумандаги деярли барча хўжаликларда давлатга дон топшириш буюртмаси бажарилди, — дейди туман ҳокими Эшмуҳаммад Бердиев. — «Дўстлик», Алишер Навоий номли, Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон», Амир Темур номли хўжаликлар режага қўшимча 50-100 тоннадан дон топширишга эришмоқдалар.

Меҳнатни ташкил этиш ва моддий манфаатдорликни ошириш ўрим-йиғим тақдирини ҳал қилган ва ғалла янчишни тез суръатлар билан олиб бориш имкониятини берган омиллардан бири бўлди. Туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармаси мавсум олдидан биринчи бўлиб давлат режасини бажарган хўжаликни 100 минг сўм, иккинчи бўлиб бажарган хўжаликни 50 минг сўм пул мукофоти, учинчи ўринни эгаллаган жамоа хўжалигини эса қимматбаҳо гилам билан тақдирлаш ҳақида қарор қилган эди. Бу совринлар Алишер Навоий номли, Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон» хўжаликлари ғаллакорларига насиб этди. Булардан ташқари режадан ошириб топширилган донинг нархи 15 сўм қилиб белгиланган ҳам ғаллакорларда катта қизиқиш уйғотди. Режага қўшимча 500 тонна дон етказиб беришга аҳд қилингани сабаби ҳам ана шунда.

Барча хўжаликларда бу йил ижара пудрати усулида иш олиб борилди. Хўжаликлардаги мавжуд комбайнлар иши бригада усулида ташкил этилганлиги ҳам уларни назорат қилиб бориш, техника хизмати кўрсатишни осонлаштириш имконини берди. Алишер Навоий номли жамоа хўжалигидан Музаффар Бўронбоев, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Мўйдин Эминжонов, Эгамберди Бектуров, «Чиноз» хўжалигидан Бурхон Урфонхўжаев, Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигидан Кўчқор Ўтсеитовлар комбайнларида энг кўп ғалла ўриб ва янчиб мавсум пешқадамлари бўлдилар.

Туман хўжаликларида ғалла ўриш давом этяпти. Шу билан бирга бўшаган ерлар ҳам пешма-пеш ҳайдалиб, дон ва силос учун маккажўхори, кечки картошка, мош ва бошқа такрорий экинлар экилмоқда.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

«ДЎСТЛИК» ОЛМОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Вилоятимизнинг «Дўстлик» футбол жамоаси мамлакат биринчилигининг навбатдаги учрашувини Тошкентнинг «Трактор» жамоаси билан ўтказиб, (ўйин 2:2 ҳисобида тугади) кеча Олмония сафарига жўнаб кетди. Футболчиларимиз бу ерда бир ҳафта мобайнида бўлишиб, нуфузли мусобақада қатнашадилар.

Воқеалар, хабарлар, мулоҳазалар

Ислоҳот одимлари

ТАЪЛИМДА ҲАМ ДЕМОКРАТИЯ БЎЛИШИ КЕРАК

Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон салоҳиятини янада тўла руёбга чиқариш мақсадида замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу борада ишлаб чиқилаётган миллий дастур такомилига етмоқда. Унда бутун таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг эҳтиёжларига мос бўлишига эришиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Бу борада республика тест марказига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Уларни бажариш юзасидан қандай тадбирлар кўрилмоқда? Мазкур марказ директори М. Муҳиддинов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов фармонига кўра, 1992 йилдан буён талабаларнинг танлови, ёшларимизнинг билим даражасини аниқлаш тест синовлари орқали ўтказиб келинаётир. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур танлов услуби холисоналиги, адолат тамойилларига мослиги билан халқимизга манзур бўлди. Қолаверса, келажакда етук мутахассис тайёрлаш кўп жиҳатдан талабани тўғри танлашга боғлиқ. У йилдан-йилга такомиллашиб, толиби илмларни мустақил фикрлашга ўргатадиган, тадбир жоиз бўлса, ўқиш ва изланишга мажбур этадиган услуб сифатида эътибор қозонди. Энг муҳими, халқнинг адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Чунки, бу усул қўлланганда, билим даражаси асосий мезонга айланади, «танишбилишчилик», «қўлловориш», «чўктириш» каби эски замон иллатлари ўз-ўзидан барҳам топади. Дарҳақиқат, биз эркин, демократик жамият қураётган эканмиз, ҳамма соҳада бўлгани каби, таълимда ҳам демократия тамойиллари устун бўлмоғи керак.

— Юртбошимиз «замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссияси йиғилишида олий ўқув юртлари битирувчиларини ҳам тест синовидан ўтказиб, турли даражали диплом бериш лозимлигини таъкидлади. Марказ бу ишга тайёрми?

— Марказимиз бу борада икки йўналишда иш олиб бормоқда. Биринчиси, биз ҳар бир соҳа бўйича алоҳида хоҳ врачлик, хоҳ инженерлик, хоҳ агрономлик бўлсин, мутахассислик билимининг ягона стандартини яратиш устида ишлаяпмиз. Бу — муайян соҳа, йўналиш, ихтисослик бўйича мутахассис билиши шарт бўлган «билим жамғармаси»ни аниқлаб, компьютерга киритиш демакдир. У ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаларни ўз ичига олади. Олий ўқув юрти битирувчиси ана шу «билим жамғармаси»нинг неча фоизини эгаллагани тест орқали синаб кўрилади. Шунга қараб, унга қандай даражали диплом бериш масаласи ҳал қилинади. Бу синовларни яқин келажакдан бошлаб олий ўқув юртларида қўлланишга киришилади.

Иккинчи йўналиш эса — мактабдан олий ўқув юртигача ягона тест синови тизимини ишлаб чиқишдир. Очиғини айтганда, бу борада олий ўқув юртлари билан мактаблар орасида катта фарқ бор. Биринчисида талабаларнинг билим даражаси кўпроқ рейтинг усулида тест синовлари орқали аниқланаётган, бинобарин, бу юмуш инсон факторидан ҳоли — компьютерлар зиммасига юкланаётган бўлса, мактабларда ўқувчилар ҳамон имтиҳон олувчиларнинг «қош-қовоғига» қарашга, кайфияти билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқда.

Бундай ҳолларга барҳам бериш, ягона тест синови тизимини яратиш мақсадида марказимизда ЭҲМ учун «Босқичма-босқич тест имтиҳонлари олиш ёрдамида таълимни стандартлаш дастури» ишлаб чиқилди. У республика фан ва техника давлат қўмитаси давлат патент идорасида мутаҳассислар назаридан ўтказилиб, муаллифлик гувоҳномасига эга бўлди.

— Бу йил талаба танловига қандай тайёргарлик кўрилгани, бу борадаги янгилик ва ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тест синовлари ёрдамида талабалар танлаш усули такомиллашиб бормоқда. Бизда тест синовлари 1996 йилдан бошлаб кўп вариантли тизим бўйича ўтказилмоқда. Бу нима дегани? Бу усулнинг ўзига хос жиҳати шундаки, тест синовлари бўйича вариантлар саволларнинг автоматик генерацияси — алмашуви орқали тузилади. Бу ишни «ақлли машиналар» — компьютерлар махсус дастур асосида бажаради. Яъни улар 20 минг саволни аралаштириб, вариантлар тузади. Ҳар бир вариантдаги саволларнинг мураккаблик даражасини ҳам компьютер ўзи белгилайди, яъни осон ёки қийин вариантлар бўлишига йўл қўймайди.

Бу усул билан Туркия, Қозоғистон, Россия мутахассислари ҳам қизиқмоқда. Зеро, бу усул қўлланганда вариантларга «калит» топиш имконияти бутунлай йўқолади. Ҳеч қандай қаллобликка йўл қўйилмайди. Демоқчиманки, ота-оналар, абитурентларнинг хавотирланишларига мутлақо ўрин йўқ. Талабаликка давогарнинг билим даражасини, берган жавоблари натижасида тўплаган баллини компьютер аниқлайди. Унга на жавоб варақларини ўқишда, на балларини ҳисоблашда одам қўли тегмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, биз чоп этаётган «Ахборотнома»лардаги саволлар йилдан-йилга кўпайиб ва мураккаблашиб бормоқда. Чунки илмда оддийдан мураккабликка интилмоқ даркор. Бу тараққиётнинг асосидир. Бу йилги ахборотномалар апрель ойидаёқ босмадан чиқди. Ундаги саволлар мактаб дастурлари асосида тузилган ва мутахассислар назаридан ўтказилган. Бундан ташқари ўтган йилги ахборотномалар ҳам ўз кучида қолади.

Ўқишга қабул қилиш қоидаларида деярли ўзгариш йўқ. Фақат шунга аҳамият бериш керакки, жавоб варақасини тўғри тўлдирилиши учун жавобгарлик бутунлай абитурент зиммасига юклатилган. Агар жавоб варақасини тўлдиришда хато ва чалкашликларга йўл қўйилган бўлса, бу борадаги даъволар қабул қилинмайди. Аудиториядаги ҳолатлар учун эса аудитория раҳбари жавоб беради.

Тест синовларини ўтказиш бўйича зарур қўлланмалар, кўргазмали материаллар, 30 минутлик видеофильм кассеталари барча ўқув юртларига юборилган.



Фақат ана шу қонун қоидалар билан талабаликка даъвогарларни пухта таништириш лозим. Синовларга тайёргарлик кўриш жараёнида туғиладиган барча саволларга давлат қабул комиссияси аъзолари ҳамда бизнинг вилоятлардаги вакилларимиздан аниқ жавоб олиш мумкин.

Барчамизнинг мақсадимиз — Ватан ривожи, халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қиладиган кадрлар тайёрлашдир. Зеро, эртанги кунимизнинг ёруғ ва фаровон бўлиши мазкур масаланинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Шундай экан, бу борада жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш, таълим тизимида адолат устунлигига эришиш бизнинг виждоний бурчимиздир.

Суҳбатдош Аҳмад ХЎЖА. (ЎзА).

Ҳуқуқий билим сабоқлари

ЯНА ЕР СОЛИҒИ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунининг амалга киритилганлигига тўрт йил бўлди. Кўп корхоналар бу солиқни вақтида тўғри тўламоқдалар. Ер солиғининг ставкалари йилдан-йилга ўзгариб бораётгани муносабати билан бу солиқнинг миқдори ҳам кўпайиб бораётир. Ўтказилган текширишлар кўрсатишича, вилоятдаги ер майдонларига эгалик қилаётган баъзи корхона ва ташкилотлар солиқ идораларига берган ҳисоботларида солиққа тортилиши лозим бўлган ер майдонларини ноаниқ ёки камайтириб кўрсатиш, ер солиғи бўйича имтиёзларни нотўғри қўллаш ҳолларини ҳамон давом эттирмоқдалар. Бунда юридик шахслардан солиққа тортиладиган ер майдонининг яширилганлиги сабабли ер участкасининг яширилган ёки камайтириб кўрсатилган майдони учун солиқнинг барча миқдори, шунингдек, яна шунча миқдордаги жарима ҳам ундириб олинмоқда. Бундан ташқари, йил давомида солиққа тортиладиган майдони такрорий тарзда яширилган ёки камайтириб кўрсатилган бўлса, бу ҳолда яна икки баравар жарима ундирилади. Нотўғри ҳисоб-китоб қилиш, ставкаларни ва уларга кўпайтирувчи коэффицентларни нотўғри қўллаш йўли билан ер солиғининг миқдори камайтирилгани учун қўшимча олиниши лозим бўлган (қўшимча ҳисобланган) солиқ миқдорининг 10 фоизи миқдорида жарима қўлланилади. Текширишлар жараёнида солиққа тортиладиган ер майдонларининг яширилгани ва ер солиғининг нотўғри ҳисоб-китоб қилингани аниқланганда, жарима санкцияларининг иккала тури ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонуни қоидалари ва ер муносабатларини тартибга солиш усуллари тўғрисида меёрий ҳужжатлар кўп. Шулардан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида фойдаланилган ерларни ялпи рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Тошкент вилоят ҳокимининг 1995 йил 31 январдаги қарори билан бу ишларни амалга ошириш вазифаси геодезия ва картография бошқармасининг аэрогеодезик корхонасига ва «Ўздаверлойиҳа» институтининг Тошкент филиалига топширилган эди. Аммо, бу топшириқ қарорда кўрсатилганидек, бўнак (аванс)лаштирилмасдан қолдирилган. Туман ва шаҳар ҳокимиятлари томонидан бу масалага масъулиятсизлик билан қаралган. Шу сабабли ўзининг маҳаллий бюджетига қўшимча маблағ келтирадиган манбалардан фойдаланилмаяпти.

Аэрогеодезия корхонаси ва «Ўздаверлойиҳа» институти филиали ташкилот ва корхоналар билан бевосита шартномалар тузиб, уларга қарашли ерларни йўқлама қилиб, чегарасини аниқлаб, тайёрланган ҳужжатларни ҳокимиятлар тасдиғидан ўтказиб, ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаларини тайёрлаб бермоқдалар. Лекин, кўпгина туман ва шаҳарларда корхона ва ташкилотлар фойдаланаётган ерларни ялпи рўйхатдан ўтказиш жуда суст бораяпти. Жумладан, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Пскент туманлари, Бекобод, Оҳангарон ва бошқа шаҳарларда шу кунгача атиги 10-15 та корхона ва ташкилотларга қарашли ерлар ялпи рўйхатдан ўтказилган, холос. Бундай аҳвол вилоят бўйича бу ишларни вақтида тугаллашга салбий таъсир кўрсатаяпти ҳамда ер солиғини тўлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилишга олиб келаяпти.

Тошкент вилояти ҳокимининг 1996 йил 29 июлдаги 178-сонли қарори билан вилоят ҳокимлиги ҳузурида «Тошкент вилояти давлат Кадастрлари ягона тизим бошқармаси» ташкил этилиб, унга вилоят ҳудудидаги шаҳарлар, туман марказлари, кўчмас мулк жойлашган ҳудудлар чегараси доирасида фойдаланиладиган ерларни ҳисобга олиш, ер муносабатларини тартибга солиш борасидаги ишлар юклатилган. Вазифа шуки, юқорида қайд этилган меёрий ҳужжатлар асосида фойдаланилаётган ерлар ҳисоб-китобини яхшилаш лозим.

Ўразбой ЮСУПОВ, вилоят ДСБ Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиққа тортиш бўлими мудири.

КАСБ ЎРГАНАМАН ДЕСАНГИЗ...

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманининг меҳнат, аҳолини иш билан банд қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими ўз фаолияти доирасини кенгайтириб бормоқда. Бунинг учун, аввало, тумандаги 320 та катта-кичик корхоналар, ҳусусий фирмалар, деҳқон (фермер) хўжаликлари билан алоқани яхши йўлга қўйишга эришди. Уларнинг янги ишчи кучларига, қандай касбдаги ходимларга бўлган талаби муттасил ўрганилмоқда. Шунга қараб меҳнат билан таъминлашни сўраб бўлимга мурожаат қилаётган фуқароларнинг касбига қараб уларга юборилмоқда.

— Жамоамиз ўз фаолиятида, — дейди туман бўлими бошлиғи Муқаддас Аскархўжаева, — фуқароларга янги касбларни ўргатишга алоҳида эътибор бераяпти. Шу мақсадда қисқа муддатли ўқишлар уюштирилмоқда. Йил бошидан бери эллик нафардан ортиқ киши шу йўл билан янги ва қўшимча касбларни ўрганиб олдилар.

Ўз истаги билан фуқаролардан 18 киши миллий усулда ғишт теришни ўрганди. Ўн беш нафар киши, асосан ёшлар, тракторчилик касбининг «сир-асрорларини» билиб олдилар. Йигирма нафарга яқин бўш бўлган фуқаролар телевизор-радиони таъмирловчи уста бўлиб олдилар.

Янги касб ўргатиш ўқувларини соҳанинг етакчи мутахассислари бўлган устозлар олиб бормоқдалар. Тракторчилар касбни тумандаги Улуғбек жамоа хўжалигида ўргандилар. Чунки, бу хўжаликда қишлоқ хўжалик машина-механизмларидан самарали фойдаланаётган механик ва механизаторлар кўп. Улар тракторчилик касби бўйича қисман бўлса ҳам назарий, айни вақтда амалий билимларни ҳам бемалол ўргатадилар. Ғишт терувчилик касбини ўргатиш учун хоразмлик миллий усулда ғишт териш усталари ёлланди. Шундай ўқувларни тугатганлар ўз касблари бўйича ишламоқдалар.

Бундан ташқари, мавсумий ишларни бажаришга ҳам кўплаб банд бўлмаган фуқаролар жалб қилинди. Шундай йўл билан 241 киши мавсумий иш ўринлари билан таъминланди. Жумладан, ўн беш нафар фуқаро пилла теримида қатнашиш учун жамоа хўжаликлари ихтиёрига юборилди. 60 нафар киши бўлим йўлланмаси билан Отажонов номли агрофирманинг боғдорчилик ишларида қатнашмоқда. Айни вақтда, ўнлаб фуқаролар жамоат ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: туман аҳолини иш билан банд қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи М. Аскархўжаева шўъба мудири Н. Исмоилова билан иш юзасидан суҳбатлашмоқда (юқорида); бўлимнинг муҳандиси З. Носирова иш устида.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

80 КИШИ МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Шу куни туманда ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида 80 фуқаро мақсадига етди.

ТОШКЕНТ тумани ҳокимлиги биноси олдидаги кенг майдонда ташкил этилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида туман «Меҳнат биржаси»га 80 фуқаро мурожаат қилди. Шу куни 30 фуқаро ўз касби бўйича ишга қабул қилинди. Ярмаркада қатнашган тумандаги ташкилот, корхона ва муассасаларнинг вакиллари маслаҳатлар бердилар ва ўз жамоаларига бўш қолган турли касблар бўйича ишчиларни қабул қилдилар. 30 киши эса қисқа муддатли курсларда ўқиш ва касб ўргатишга жалб этилди. 20 фуқаро эса янги касб ўрганиш иштиёқида бўлгани учун йўлланмалар билан махсус курсларга жойлаштирилди.

Акбар УМИРОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

«ХАЛҚОБОД» ГИЛАМЛАРИ

◆ БУХОРО вилоятининг Қоракўл туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи ишга тушди. Бу ерда хилма-хил рангли гул солинган, бадиий жиҳатдан юксак баҳоланадиган гилам тўқиш қисқа муддатда ўзлаштирилди. Халқобод гиламлари магазинларда туриб қолаётгани йўқ — ҳозиргача 150 минг сўмлик гилам сотилди.

Янги цех хўжалик учун қўшимча даромад манбаи бўлибгина қолмай, кўплаб уй бекаларини доимий иш билан таъминлади ҳам.

АЭРОПОРТ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

◆ Қадим Бухоронинг 2500 йиллик тўйи яқинлашган сари шаҳарда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тобора қизғин тус олиб бораётир. Жумладан, Бухорода янги аэропорт қурилиши ҳам жадал суръатлар билан давом этмоқда.

Маълумки, шу йилнинг январида бир неча мамлакат вакиллари билан имзоланган халқаро битимга кўра, Бухоро, Самарқанд ва Урганчда жаҳон андозаларига мос келадиган замонавий аэропортлар бунёд этиш кўзда тутилган эди. Ҳозир Бухоро аэропортида Япония, Туркия, Франция, Германия, Югославия фирмалари фаол иш олиб боряпти.

Қурилишда Япониянинг «Мицуи» ва «Мицубиси» фирмалари бош пудратчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ёрдамчи пудратчи ҳисобланган Туркиянинг «Ай-Сел» фирмаси пардозлаш ишлари, шунингдек, учиш-қўниш йўлагини асфалтлашни ўз зиммасига олган. Германиянинг «Сименс» фирмаси эса электр тармоқлари ва ёритиш ускуналарини қайта таъмирлаш билан машғул.

Бунёдкорларнинг самарали меҳнати туфайли, аэропорт биноси атрофига фавворалар ўрнатилди, ҳовузлар барпо этилди. Ерлар мармар билан қопланди, 2700 квадрат метр майдонга безакли ғиштлар ётқизиляпти. Қурувчилар янги аэропорт қурилишини юбилей арафасида, яъни шу йилнинг 25 сентябрида тугаллаш ниятидалар.

«КУШОН»НИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

◆ НАМАНГАН вилоятининг Косонсой тумани деҳқонлари ўзлари етиштирган помидорни қайта ишлаш учун тумандан ташқарига жўнатишларига ҳожат қолмади. Маҳаллий «Кушон» консерва заводида помидордан паста тайёрлайдиган линия ишга тушди. Бу линиянинг қуввати қайта ишлаш учун қўшни туманлардан ҳам помидор ҳосилини қабул қилишга имкон беради.

Маҳсулотни сотишда ҳам қийинчилик бўлмайди. Тузилган шартномаларга мувофиқ томат пастасининг бир қисми Украина ва Россиянинг бир қанча вилоятларидаги истеъмолчиларга етказиб берилади. «Кушон»нинг хилма-хил маҳсулотлари қаторига яқин вақт ичида янгилари қўшилади. Мева шарбати ишлаб чиқарадиган линия ишга туширишга тайёр. Завод ходимлари тез орада олмани қайта ишлаш учун мўлжалланган ускуналарни ўрната бошлайдилар.

СУЮКЛИ ФАРЗАНДНИ АРДОҚЛАБ

◆ХОРАЗМ. Эл севган ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллик тўйи вилоятда зўр тантанага айланди. Меҳмонлар, шогирдлар ва мухлислар ҳофиз яшаган хонадонни зиёрат қилишди. Илмий-маърифий конференция уюштирилди. Вилоят филармония биносида санъаткор номи билан аталувчи музей очилди. Урганчдаги ҳофиз номи билан юритилувчи «Ўзбекнаво» эстрадаси биноси олдида ёқимли овоз соҳибининг ҳайкали ўрнатилди.

ЎзА мухбирлари хабаридан.

Маънавиятимиз сарчашмалари

ДАҲОЛАР ДАВРАСИДА

***МАЪНАВИЯТИМИЗ** тарихида шундай сиймолар борки, улар фаолиятини маълум бир соҳа билангина боғлаб ўрганиш мушкул. Чунки, бундай зоти киромийлар, ўз мартабалари, вазифаю мавқелари тақозоси ўлароқ маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига дахлдор бўлганлар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳам ана шу тоифага кирадиган буюк шахслардан ҳисобланади.*

Бўлажак султон, илм-фан, адабиёт, санъат ҳомийси, кўп аҳли фазлнинг тарбиятгари Ҳусайн Бойқаро 1438 йили Ҳиротда зодагон оилада дунёга келди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур уни «Каримут-тарафайн» яъни ҳар икки томондан ҳам насаби Амир Темурга боғланади, деган. Унинг отаси Ғиёсиддин Мансур Мирзо ҳам, онаси Феруза бегим ҳам бевосита Соҳибқирон авлодидан. Етти ёшидан отадан етим қолган Ҳусайн Мирзо ўн тўрт ёшигача илм ўрганиш билан машғул бўлди. 1452 йили Абулқосим Бобур Мирзо саройига ишга кирган Ҳусайн Мирзо ижтимоий-сиёсий фаолиятга шўнғиб кетади. Бироз вақт Самарқандда бўлган Ҳусайн Мирзо яна Ҳиротга қайтиб, Абулқосим Бобур саройида хизматни давом эттиради. Ҳуросон ҳокими 1457 йили вафот этади. Ҳусайн Марв, Жом ва Моҳан вилоятлари ҳокими Санжар Мирзо ҳузурига боради ва унинг қизи Бека Султон бегимга уйланади. 1469 йилнинг март ойигача турли вилоятларда жангу жадаллар билан юрган Ҳусайн Бойқаро Абусайид Мирзо вафотидан сўнг Ҳиротни эгаллайди, натижада, унинг номига хутба ўқилади.

Апрел ойида Навоий Самарқанддан келиб, дўстини зафар билан муборакбод этиб, «Ҳилолия» қасидасини ёзади. Ёдгор Муҳаммад, Султон Аҳмад Муштоқ ҳамда Улуғбек Кобулийлар исёнлари, ўғиллари билан бўлган можароларни ҳисобга олмаганда Ҳусайн Бойқаро яқин 38 йил давомида мамлакатни қаттиққўллик, тадбиркорлик билан бошқарди. Жасоратли ва тадбиркор ҳукмрон, маънавият ва маърифат пушту панохи, зукко донишманд, нуктафаҳму нозикдид шоир Ҳусайн Бойқаро 1506 йил юрак хасталигидан вафот этган.

Унинг 13 қиз, 14 ўғли бўлган. Шаҳаншоҳнинг жасади Ҳиротда ўзи қурган мадраса ичидаги мақбарага дафн этилган. Ҳозир мақбара вайрон бўлган, қабр ва унинг устига ўрнатилган «Санги ҳафт қалам» сақланиб қолган.

Унинг замонида Хуросон мулкида нисбатан тинчлик, адолат ўрнатилади, иқтисодий ҳаёт, савдо-сотиқ ривожланади, юзлаб карвонсаройлар, работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид каби бинолар қурилади. Пойтахт чинакам маданий қурилиш майдонига айланади.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида турли юртлардан Ҳиротга юзлаб олимлар, санъаткорлар келишди. Зеро, бу ерда маънавиятга хомийлик қилинар, Жомий, Навоий сингари устозлар яшашарди. Натижада, табобат, тарих, тил, адабиёт, ҳандаса, тасвирий санъат, қоғоз ишлаб чиқариш, мусиқа, хуллас, илм-фан, маънавиятнинг барча жабҳалари гуллаб-яшнади. Кўплаб ёш ижодкорлар балоғатга етиб, бебаҳо дурдоналар яратишди. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Хирот маданий ҳаётининг гуркираб яшнаши ҳақида Бобур «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замон эди. Аҳли фозл ва беназир элдин Ҳуросон, батахсис, Ҳурий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиги бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай» деб ёзади «Бобурнома»да. Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Султон Али Машҳадий, Биноий, Васифий, Кошифий, Ҳилолий сингари ўнлаб алломалар ана шу муҳитда камолга етганлар. Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу соҳадаги жонбозлигини Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий каби даҳолар қўллаб-қувватлаб турдилар. Хусусан, Алишер Навоий султоннинг бу фаолиятини йўналтиришда ҳамиша саркорлик вазифасини ўтади.

Ҳусайн Бойқародан бизга шеърлар девони ва Навоий ҳақидаги рисоласи мерос қолган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилини ўқиш-ўқитиш, бадиий ижод тили даражасига кўтарган Ҳусайн Бойқаро Ҳусайний она тилида гўзал ғазаллар битган. Унинг ижодини ўрганишда Олим Шарофиддинов, Ҳоди Зариф, Абдуқодир Ҳайитметов, Суюма Ғаниева, Турғун Файзиев каби олимлар жиддий меҳнат қилишган.

Ҳусайнийнинг яқин дўсти, бутун сиёсий ва маданий фаолиятида энг яқин кўмакдоши Навоий «Мажолис-ун-нафоис»нинг саккизинчи мажлисини шоир ижодига бағишлаган. «Ул ҳазратнинг хўб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубтур» деган Навоий шоир ғазалларининг биринчи байтларини келтиради. Айни пайтда муаллиф ҳар бир матлаънинг мазмун, ғоявий йўналиш ҳамда бадиийлиги жиҳатидан тўлиқ баёни ва таҳлилини ҳам беради. Ҳусайний девонидаги ғазаллар фақат ишқ мавзусида бўлиб, унда лирик қаҳрамон кечинмаларининг бошқа санъаткорлар илғай билмаган қирралари юксак маҳорат билан тасвирланади, ғаройиб лавҳалар китобхон кўз ўнгида жилваланади, камёб бадиий сўз воситалари қўлланилади.

Гар Масихо умрида тиргузди
бир неча ўлик,
Дилбарим юз минг ўликни тиргузур
гуфтор аро.

Қуйидаги байтларда эса ошиқ қалби туғёнининг ўзгача оҳанглари айрича бадиийликда, Ҳусайнийга хос нозикликда ифодаланган:

Кўнглаги гулгунмидир ё гул юзининг
аксидир,
Ё қуёшнинг тобидин гардун узра қўймиш
саҳоб.

Томса бағрин қони ўқдин,
чиқар кўнглимдин оҳ,
Дуд ўлур чун қонини ўт узра томизса кабоб.

Бошқа бир ғазалида ёр дудоғи олдида Исо нафаси кесилиб, обиҳаёт шарманда бўлди, лаълингдин ҳижолат тортиб лола қизорди, новвот суюлиб кетди, деса, тубандаги мисраларда янги манзарани кузатамиз: ошиқ учун ёр куйи юз фирдавс гулзорича бор. Унинг жаври ханжари ўтлуғ кўнгилга осойиш бахш этади. Хуллас, маъшуқанинг нозу карашмаси ҳам, жабру жафосию ҳижрон азоблари ҳам ошиққа таскин беради:

Эмдиким бўлдум гирифторинг,
туман минг нозила,
Бевафолик расму оинини қилдинг ошкор.
Айласам лаъли равонбахшингга
жоним фидо,
Ханжари мужгон била жонимни айларсан
фигор.
Ғунчадек кўнглум бошингға уйрулурни
истаса,
Анда, эй гул, ғамза нешиндин солурсан
хор-хор.

Ғазал келажакка умид руҳи билан тугайди: ё тангри ёр кўнглига раҳм солсин ёки лирик қаҳрамонига бардош ато этсин. Чунки, у машъуқасиз ҳаётни тасаввур этолмайди, шунинг учун доим унга интиқ. Бадиий тасвирда шоир ҳам фикрнинг тадрижий такомилига жиддий эътибор беради, қўлланилаётган тасвирий воситалар таносибини назарда тутади:

Сарв узра гул кўрмаган бўлсанг,
қаду юзини кўр,
Жони ширин истасанг, лаъли шакар
боригa боқ,
Эйки, жаннат равзаси ичра тиларсен
сарву гул,
Гулшани кўйига кир, қад бирла рухсорига боқ.

Шоирнинг «Ҳижил», «Йўқ», «Ниҳон» радифли ўнлаб ғазаллари ҳам мумтоз шеъриятимиздаги якпора ғазалларнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакким, «оқибат бўлғай васли дилхоҳинг сенинг» деган Ҳусайний ёрнинг жабру жафоси, бевафолигидан шикоят замирига даврондан етган азият, ташвишлардан дилгирлигини сингдириб юборади.

Шоир бошқа бир ғазалида қуйидагиларни таъкидлайди:

Кеча-кундуз жонима, ваҳким балолар
юз қўюб,
Шом то субҳ уйқу йўқдин кўнглима
юз минг ситам.
Эй Ҳусайний, мотамим шарҳини
дедимки ёзай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушди,
ҳам куйди қалам.

Бундай дардчил байтларни ўнлаб ғазалларда учратиш мумкин.

Навоийдан тортиб барча тазкиранавислар Ҳусайнийни «қилни қирқ ёрадиган» шеършунос эканлигини таъкидлаганлар. Бир адабий баҳсда Хусрав Деҳлавий байтини ҳаммадан кўра Ҳусайний мантиқан тўғри таҳлил этиб, барчанинг эътирофига муяссар бўлгани ҳам буни тасдиқлайди. Шоир асарларидаги мутлақо янги юзлаб бадиий тасвирий воситалар, радифу қофиялар, ўзбекона сўзлар шундан далолат беради. Ёр лабидаги қора холни «бол устига — қўнмиш чибин»га, машъуқанинг қомату рухсорини «сарв узра унган гул»га қиёслаш, ҳатти меҳрни «хатти месҳаф»га тенглаштириш ўша давр ғазалиётида фақат Ҳусайний қаламига хос ҳодисадир. Шоир бошқа замондошларидан фарқли ўлароқ, арабий ва форсий сўз ҳамда тасвирий унсурларни жуда кам қўллайди. Ишлатганда ҳам «туркгоз», «ҳамсол», «саъди кавкаб», «моҳрухсор», «ғайр аз» каби ўша вақт ўзбек шоирларида учрамайдиган сўзларнигина ишлатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайний асарлари XV аср ўзбек ғазалиётининг муайян зарваракларини ташкил қилади. Унинг санъаткорлик маҳоратини махсус тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ХВАН МАН ГИМ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг фахрийси, уста пахтакор, ажойиб инсон, Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг фахрий раиси Хван Ман Гим 76 ёшида вафот этди.

Унинг ҳаёти ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти бевосита Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» (собиқ «Политотдел») жамоа хўжалиги билан боғланган. 1953 йилдан то 1985 йилгача шу хўжалик раиси сифатида фаолият кўрсатди. У жамоа хўжалиги асосида иш ташкил этиш ва юксак натижаларга эришишнинг ноёб намунасини кўрсата билди. Ўттиз йилдан зиёд давр мобайнида у раҳбарлик қилган кўп миллатли жамоа қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча кўрсаткичлар бўйича республикадаги етакчи хўжаликлардан бирига айланди. Айниқса, етакчи тармоқ — пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Деҳқончилик маданиятини ошириш, хўжалик аъзоларининг турмуш даражасини юксалтиришга, ободончилик, ижтимоий тармоқларнинг қурилиши ва ривожланишига катта эътибор берилди.

Унинг узоқ йиллик самарали меҳнати юксак ҳукумат нишонлари билан тақдирланди. У республиканинг «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Унинг эл-юрт олдидаги хизматлари, порлоқ хотираси қалбларимизда узоқ яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг фахрийси, Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг фахрий раиси

ХВАН МАН ГИМнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Дунё аҳолиси ва бугун

КЕЛАЖАК ФАРЗАНДЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

САВОЛ ўринли ва айни пайтда нотабиий туюлади. Аммо, жаҳонда тараққиёт ўсиб бораётган экан, комил инсонга талаб ҳам ортаверади. Комил инсон тушунчаси Марказий Осиёда бугун пайдо бўлаётгани йўқ. Комил инсонни биз Алишер Навоийнинг Фарҳоди, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги Кунтуғди қиёфалари орқали, Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги Отабек сиймоларида кўрганмиз. Барча эзгулик авлодларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишларини орзу қилиб, асарларида шундай инсонларнинг намунасини яратганлар. Лекин, минг афсуски, кейинги пайтда комил инсон тарбиясига оила миқёсидаги эътибор сусайиб кетди. Ҳозир бу масала билан бутун жаҳон қизиқмоқда. Машҳур Япония мўъжизасини ўрганишмоқда. Хўш, Ўзбекистонда оилани режалаштириш зарурми? Агар зарур бўлса, нима учун?

Куни кеча пойтахтимизда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНФПА ташкилоти ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги биргаликда ўтказган йиғилиш Умумжаҳон аҳолишунослик кунига бағишланди. Унда ЮНЕСКО эксперти Ҳафизуддин Аҳмад жаноблари, «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Нурия Туреева, Марказий Осиё тиббиёт-педиатрия олийгоҳи профессори Учқун Каримов, Ўзбекистон ФА қошидаги Иқтисод илмий-текшириш институти бўлим мудири Равза Муртазиналар иштирок этишди ва нутқ сўзлашди.

Нотиқларнинг маърузаларини тўлиқ келтирмаймиз. Аҳолишунослик фани аҳолининг соғлиқ даражаси, экология, умуман, ижтимоий аҳволни ўрганади. Дунё аҳолисининг кескин кўпайиб бораётганлиги муносабати билан ҳар йил 11 июли дунёда аҳолишунослик куни тарзида нишонланиши расмий эълон қилинган. Маълум бўлишича, ёшига етмай ёки етарли куч-қувватга инмасдан, фарзанд туғавериш оқибатида кўплаб оналарнинг соғлиғи ёмонлашмоқда. Рисоладаги шароитда вояга етмаган болалар эса улғайганда ногирон, касалманд бўлишмоқда. Ана шу салбий оқибатлар оилани оқилона режалаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Авлодимиз қанчалик нимжонлашиб бораверса, шунчалик тиббиёт муассасаларини кўпайтиришга эҳтиёж туғилаверади. Ҳолбуки, бақувват онадан дунёга келган дуркун ўғил ёки қиз вояга етгунча оилада яхши тарбия кўрса, кўплаб хунарларни ўрганса, моддий жиҳатдан камчилик кўрмаса, келажакка кўпроқ фойдаси тегиши мумкин. Демак, оилани режалаштириш-фарзандлар сонини камайтириш маъносини англатмайди, аксинча, болаларнинг сифат жиҳатидан фозил инсонлар бўлиб тарбияланишига асосланади.

Бунинг учун ҳар бир янги оила ўз имкониятларидан келиб чиқиб, нечта фарзандни оқ ювиб, оқ тарай олишларини олдиндан режалаштириб, шундан оширилса, онанинг мадори қуриши, туғилган фарзандининг эса нимжон бўлиши ёки оиланинг моддий имкониятлари чекланиб қолишини ҳисобга олишлари шарт.

ЮНЕСКО эксперти Ҳафизуддин АҲМАД жаноблари Ватанимизда чуқур маънавий қадриятлар минглаб йиллар давомида илдиз отганлигини алоҳида таъкидлади. — Ўзбекистонда келин-куёвга, ҳомиладор аёлларга, туғилган чақалоққа, вояга етаётган болакайга нисбатан алоҳида-алоҳида жуда мукаммал муносабатлар оммалашган. Энди ана шу гўзал удумларга оз бўлсину, соз бўлсин тарзидаги ёндошувни қўшсак, нур устига аъло нур бўларди, — деди у.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда 23 миллиондан ошикроқ аҳоли истиқомат қилаётир. Бу рақам 1991 йили 20 миллион 600 мингни кўрсатган эди. Худди шу кўпайиш кўрсаткичига қараб, боғчалар, мактаблар сони оширилади. Ўқувчилар учун китоблар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Болалар кийим-кечагига эҳтиёж ортади. Бир сўз билан айтганда, туғилаётган ҳар бир фарзанд келажагимиздир. Улар фозил мамлакатнинг комил инсонлари бўлсин.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

ФРАНЦИЯ

◆ ТАШРИФ билан Парижга келган Литва президенти А. Бразаускас тахминан яқин келажакдаги тўрт йил ичида Литва Оврупо Иттифоқининг ва НАТОнинг таркибий қисмига айланади, деб айтди.

ВЕНЕСУЭЛА

◆ ҲАДЕМАЙ, Лотин Америкасининг ушбу мамлакатида аёл киши президент бўлиб қолса, ажаб эмас. Гап шундаки, 36 яшар, ўтмишда халқаро «Олам гўзали» кўрик беллашувининг ғолиби бўлган Ирене Саес хоним 1998 йилда бўладиган президентлик сайловларига ўзининг номзодини қўйди. Яқинда ўтказилган умумхалқ сўровида у 45 фоиз овоз олди. Ҳозир И. Саес хоним пойтахтдаги Чакао маъмурий худудининг раҳбаридир.

УКРАИНА

◆ ПЕНТАГОН раҳбари Уилям Коэн бошчилигидаги АҚШ мудофаа вазирлиги делегацияси расмий ташриф билан бу ерга келди. Сафар давомида У. Коэн Украина президенти Л. Кучма, Верховна Рада (парламент) раиси А. Морозов, мудофаа вазири А. Кузмуковлар билан учрашди.

ХИТОЙ

◆ МАМЛАКАТДАГИ Гуандун вилояти маъмурияти бу ерда истиқомат қилувчи бадавлат фуқаролар зиммасига биттадан камбағал оилага васийлик қилиш вазифасини юклади. Эндиликда улар камбағал оилалар учун ажратилган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни аниқ мақсадлар йўлида унумли сарфлашда маслаҳатчилик қиладиган бўлдилар.

(ЎзА).

НЕССИНИНГ УНГУРИМИКИН?

ЯҚИНДА шотландиялик соҳил қўриқлаш хизмати зобити Жорж Эдвардс шов-шувга сабаб бўлган хабар тарқатди. У неча йиллардан бери тилдан тушмай келаётган «Лох-Несс» кўлида яшайдиган махлуқ — Нессининг унгурини топган эмиш.

Ж. Эдвардс соҳилни текширар экан, унинг аппарати 252 метрга «шўнғиб» кетади. Бундай чуқурлик айни жойларда бўлмаслигини яхши билган тадқиқотчи ҳайрон бўлади. Аммо ўлчов асбоблари ўзгача бир манзарани кўрсатарди. Тасвирий экранларда кенглиги тахминан тўққиз метр бўлган ғор оғзи кўринарди. Бу ердан бошқа қўшни кўлга ва денгизга «йўл» борлиги шубҳасиз эди. Ж. Эдвардснинг айтишича, бу ғор, сўзсиз, Нессининг унгуридир. Қидирув худуди эндиликда ниҳоятда торайди ва маълум бўлди. Биз Нессининг масканини аниқ топган бўлсак, ажаб эмас.

Несси ҳақидаги гаплар биринчи марта XV асрда пайдо бўлган эди. Ҳанузгача неча-неча авлодлар Лох-Несс кўлида баҳайбат махлуқни кўрганликларини айтиб келдилар. «Лох-Несс махлуқи ишқибозлари расмий клуби»нинг котиби Гэрри Кэмбелл сўзларига қараганда, Ж. Эдвардснинг гаплари шу вақтгача пайдо бўлган барча ҳикоялардан ҳам ҳақиқатга яқинроқдир. Яқин кунларда бу борада жаҳоний шов-шувга сабаб бўладиган воқеаларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Париж — бугунги кунда нафақат Франциянинг, балки Оврупонинг ҳам энг кўркам ва сўлим шаҳарларидан бири ҳисобланади.



«УСТА»СИГА БАРИБИР ЭКАН...

БРАЗИЛИЯ пойтахтида катта сиёсий жанжал кўтарилди. Бунга сўнгги икки ой ичида етти мамлакат элчихонасида содир этилган ўғирликлар сабаб бўлди.

Испания, Мексика, Португалия, АҚШ, Катар, Чили, Эквадор элчихоналарини ўғрилар шилиб кетишди. Тирик қўриқчилар ва техника билан муҳофаза этиладиган биноларга ўғрилар қандай тушишди экан?! Ақл бовар қилмайди. Улар калькуляторлар, гулдонлар, долларлар, билакузуклар, соатлар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқиб кетишга улгурдилар. Лекин, қолган элчихоналар ҳозирча Бразилия полициясидан ёрдам сўрамаяптилар. Шу билан бирга бironта ўғри қўлга ҳам тушгани йўқ.

ЗИЛЗИЛА ОЛДИНДАН АЙТИЛАДИ

ИСРОИЛДА кашф этилган оддий электр маиший асбоб ҳажмидаги янги аппарат кучли ер ости силкинишидан хабар беради. Бу техникавий янгиликка халқаро даражадаги патент берилди. Бу мўъжаз асбоб яқин кунларда АҚШда ва бошқа мамлакатларда сотила бошланиши кутилмоқда.

130 доллар атрофида турадиган бу аппарат муайян хилдаги барча ер қимирлашларидан дарак берувчи махсус тўлқинларни аниқ кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, олдиндан махсус огоҳлантирувчи сигналлар тарқатади. Табиий офат бошланишига 45 сония қолганда ташвишли чийиллашлар эшитилади. Бу эса хавфдан қочиб қутулиш имконини беради.

Янги аппаратга «EARTHQUAKEALLERT» деб ном берилди. Уни ишлаб чиқаришни Рамат шаҳридаги «Earthquake EQ» компанияси ўзлаштирди. «Нахшол» фирмасининг мутахассиси Меир Гитлис ушбу янгиликнинг ижодкоридир. М. Гитлис ишланмаси Исроилдаги геофизика институтида, Нью-Йоркдаги Баффало ер қимирлаш муаммолари муҳандислик миллий институти лабораторияларида, Истамбул университетида тажриба синовларидан муваффақиятли ўтди.

50 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ҲАҚИҚАТ

АҚШнинг Нью-Мексико штатидаги Росуэлл шаҳри чеккасида бундан эллик йил муқаддам — 1947 йилнинг июль ойи бошларида ғаройиб ҳодиса рўй берган эди. Ўшанда жуда кўплаб росуэлликлар шаҳар чеккасида ўзга сайёрадан келган кеманинг портлаганлигини ўз кўзлари билан кўргандилар. Ҳалокатга учраган кема ёнида беш нафар жасаднинг ўлиги ҳам топилган. Лекин, ўша пайтда «Ассошиэйтед пресс» ахборот маҳкамасининг тарқатган ростгўй маколасига қарамай, Пентагон бу «кема эмас, метрологик ҳаво шари» деб, ҳамма нарсани инкор этган эди.

Эллик йилдан сўнг ниҳоят ҳақиқат юзага чиқаётир. Ўша пайтда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилган, ҳозир 74 ва 80 ёшга бориб қолган Уолтер Хаут ҳамда Фрэнк Кауфманлар эндиликда бўлган воқеани очиқ-ойдин сўзлай бошладилар. Айни пайтгача ломмим демай келганликларининг боиси уларнинг ўша пайтда сирни ошкор қилмаслик тўғрисидаги қасамёдлари бўлган.

— Росуэллда портлаган кема чиндан ҳам ўзга сайёрадан келганлиги рост, — дейди Ф. Кауфман, — кема тақа шаклидаги ғалати аппарат эди. У ҳозирги кўзга кўринмас «стелс» бомбардимончи самолётларини эслатарди. Қанотлари кўршапалакникига ўхшаб кетарди. Шубҳасиз, портлаган нарса ҳақиқий «келгинди» кема бўлган...

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1997 йил 16 июль № 56 (10.934)

Ёз гашти

КИМДИР СЕНГА УЧҚУР ТУЛПОР ЭГАРЛАР...

Болаликнинг осмони тиниқ, тили ширин, қилиқлари ёқимли, кулгуси беғубор. Шодон қийқириқлар юракни жумбушга келтиради, беихтиёр бола бўлиб қолишни истайсиз, анҳорни лойлатиб чўмилишни, тоғлар чўққисига кўм-кўк йўлаклардан кўтарилишни хоҳлайсиз.

Паркентдаги Ҳисарак қишлоғида жойлашган «Сумча» санатория типидаги оромгоҳда ҳордиқ олаётган болакайларнинг шодон дақиқалари ҳақида узундан-узун ҳикоя қилиш мумкин. Аммо биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, бир неча лаҳзаларнигина сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Бу оромгоҳ 1970 йилда очилган. Ўшандан буён ёз чоғларида уч навбатда 11 та отряд таркибида 415 нафар болаларни оғушига олади. У ерда 24 нафар тарбиячи гиргиттон, 2 та ҳовуз, спорт мажмуаси ва фитобар болалар учун хизматда. Оромгоҳ бошлиғи Эмма Сафонованинг айтишига қараганда бу йил ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизлар айниқса, омадлидир. Чунки, ҳар томонлама таъминот яхшиланди. Уларга беш маҳал иссиқ овқат муҳайё. Ёз ноз-неъматлари бўлмиш боғ-роғлардан келтирилаётган мевалар болаларнинг кучига-куч қўшмоқда. Болаларнинг мазмунли дам олишида жисмоний машқлар ўтказувчи Наталья Манина, Лариса Горишкина, шифокор Ольга Титова бутун тажрибаларини ишга солиб меҳнат қилишмоқда. Бош ошпаз Равшан Шоёқубовнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ахир беш маҳал таом тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Келгуси йили оромгоҳнинг янги биноси қуриб тугалланади. Ана шунда «Сумча» бир навбатда 500 нафар болани қабул қилади.

Оромгоҳдан қайтар эканмиз, шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ёдимизга тушди: «Жажжи гўдак сен туғилдинг, сен учун, ким беланчак ясаб турар шу дамда. Кимдир сенга учқур тулпор эгарлар, кимдир сенга ҳасса йўнар шу дамда». Қаранг, қандай ажойиб, болаликнинг беғуборлигидан тортиб унинг улғайган давригача қамраб олувчи шеър замиридаги ўзбекона анъаналар. Илло, Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин, унинг келажаги бўлмиш бугунги болалик чиниқиб, эртанги залворли ишларга тайёр бўлаверсин.

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.
Суратларда: «Сумча» санаторий типидаги оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болаларнинг қувончли дамларидан лавҳалар.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ» СУВЛАРИ

Айни саратон кунларида бир пиёла муздай маъданли сув киши танини яйратади, инсонга тетиклик бахш этади. Пойтахтдаги «Шифобахш булоқ» хиссадорлик жамияти жамоаси буни ҳисобга олиб, истеъмолчиларга ҳар кеча-кундузда 300 минг шишадан кўпроқ «Шифобахш булоқ» ва «Тошкент минерал суви» етказиб бермоқда.

Салкам бир минг 600 метр чуқурликдаги ер ости булоғи суви махсус қувурлар орқали корхонанинг компрессор цехига узатилмоқда. Бу ерда у совутилиб, турли чўкмалардан холи қилингач, углекислород гази аралаштирилган ҳолда чиройли ёрлиқ билан безатилган рангба-ранг қопқоқли шишаларга қуйилмоқда. Таркиби сульфат-хлорид, натрий-гидрокарбонат ва кальций натрий сингари фойдали маъданларга бой ушбу сувга талаб кун сайин ортмоқда.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

ЎЗБЕКИСТОН — ЯМАН УЧРАШУВИ БЎЛАДИМИ?

Яманда транспорт ходимлари иш ташлашлари оқибатида мамлакатимизга Яман жамоаси кела олмади. Шу сабабли ушбу мамлакат футболчилари билан Ўзбекистон жамоаси ўртасида 13 июль кунига тайинланган ўйин ўтказилмади.

Таҳририятимизга футбол муҳлислари қўнғироқ қилишиб, Ўзбекистон — Яман учрашуви кейинчалик бўлса ҳам ўтказиладими, йўқми деган савол билан мурожаат қилишмоқда.

Биз буни аниқлаш учун Ўзбекистон футбол федерацияси билан боғландик.

— Яна тўрт кундан кейин Цюрихда навбатдаги босқичга қуръа ташланади, — деди Ўзбекистон футбол федерацияси бўлим бошлиғи Виктор Тихонов, — Ўзбекистон — Яман учрашуви ўтказилиши ёки ўтказилмаслигини фақат ФИФА ижроқўми ҳал қилади. Зеро, Осиё минтақасининг бешинчи гуруҳида ғолиб келган Ўзбекистон футболчилари учун сўнгги ўйиннинг натижаси унчалик аҳамиятга эга эмас.

«СЕМУРҒ»НИНГ ПАРВОЗИ

Вилоятимиз биринчилигида курашаётган 18 жамоа биринчи давра ўйинларини ниҳоясига етказди. 17 ўйиндан 16 тасида ғалаба қозонган Янгиободнинг «Семурғ» жамоаси 49 ҳол тўплаб, ҳозирча биринчи ўринда кетмоқда. Мамлакат биринчилигининг иккинчи табақаси бўлмиш бу жамоалар ўртасидаги мусобақа борган сари қизғин тус олмоқда. Маълумки, ғолиб чиққан жамоа бошқа вилоятларнинг иккинчи табақа пешқадамлари билан биринчи табақага йўлланма олиш учун беллашувни давом эттиради.

Дастлабки давра ўйинларида дарвозаларга 553 та тўп киритилди. Бу эса аввалги йиллардагидан анча-мунча кўпдир. Шунингдек, ўйингоҳларга ташриф буюрган ишқибозлар сони ҳам салмоқли. Ўрта поғоналардан жой олган «Посбон», «Олмалиқ», «Келес» жамоаларида имкониятлардан унумли фойдаланишга бироз жасорат етишмаётгандек. «Паркент», «Дўрмон» жамоалари охирги ўринлардан негадир силжишга ҳаракат қилишмаяпти.

1-давradан сўнг жадвалдаги вазият қуйидагича:

ЖАМОАЛАР	Ю.	Д.	М.	Т-Н	Ҳ.
«Семурғ» Янгиобод	16	1	0	69-5	49
«Ғазалкент»	13	3	1	57-11	42
«Хос» Бекобод	12	3	2	53-16	39
«Кимёгаравто» Ангрен	11	1	5	34-17	34
«Ғалаба-Динамо» Қуйичирчиқ	10	3	4	37-21	33
«Соҳибкор» Зангиота	10	1	6	28-19	31
«Истиқлол» Оққўрғон ж/х	8	5	4	39-19	29
«Парвоз» Ангрен	9	1	7	32-24	28
«Посбон» Чирчиқ	8	4	5	26-21	28
«Олмалиқ»	6	3	8	30-25	21
«Янгийўл» Халқобод	5	5	7	23-31	20
«Келес»	6	1	10	26-35	19
«Зафар» Зафар	6	1	10	26-37	19
«Оққўрғон»	4	1	12	15-44	13
«Турон» Пискент	4	0	13	14-57	12
«Цементчи» Оҳангарон	3	2	12	15-39	11
«Паркент»	2	1	14	10-56	7
«Дўрмон» Қибрай	2	0	15	19-70	6

Иккинчи давра ўйинлари август ойида бошланади. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» асарида семурғ, яъни ўттизта қуш, еттита энг қийин довондан ошиб, манзилига етиши ҳақида ҳикоя қилинади. Биз ҳам «Семурғ» жамоасининг барча ўйинларида муваффақият қозонишларини ва келгуси йили мамлакатимизнинг биринчи табақасидан жой олишларини истаймиз.

Владимир КОПАНЕВ,
вилоят футбол федерацияси аъзоси.

КИРҒОҚДАГИ КОТИЛЛИК

Жиноят ва жазо

...«Тошкент денгизи»нинг чап қирғоқи бўйлаб мактабдан қайтаётган ўқувчилар сувдаги қора нарсага кўзлари тушгач, ўйинқароқликларини ҳам унутиб, таққа тўхтаб қолдилар.

— Қара, сувдаги нима?

— Тўнка шекилли...

— Қалқиб, дамба-дам кўринмай қоляпти, менимча... одамга ўхшайди.

Болалар юракларини ҳовучлаган ҳолда қирғоққа яқинроқ боришди. Энди сувдаги одам танаси аниқ кўринар эди.

— Милицияга хабар қилиш керак, — деди болалардан бири.

— Тўғри айтасан, тезроқ борайлик...

Шу захоти Ўртачирчиқ туман ички ишлар бўлимига хабар қилинди. Милиция ходимлари келиб, жасадни сувдан олгандан сўнг Пскент ички ишлар бўлимига сим қоқилди. Чунки, чап қирғоқ шу туманга қарашли эди. Демак, жиноятни очиш улар зиммасида.

Туман ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари жасадни обдон текширишди. У 35-40 ёшлардаги махаллий миллат кишисига мансуб бўлиб, бўйини ва юзларидаги жарохатлари яққол кўриниб турарди. Жабрланувчининг ким эканлигини билиш мақсадида сўраб-суриштиришлар дастлаб ҳеч нарса бермади.

— Балки, жиноят бошқа шаҳар ёки туманда содир этилиб, мурда сувга ташлаб кетилгандир...

— Юқоридан оқиб келган бўлса-чи?..

Хуллас, калаванинг учини топиш керак эди. Чунки, «Пскент» жамоа хўжалигининг 3-ширкатига қарашли қишлоқни махаллий аҳолидан ташқари кўплаб тошкентликлар ҳам дала ховли қилиб олишган. Баъзилар ён қўшнисини ҳам танимайди. Бунинг устига айримлар уй дафтаридан — рўйхатдан ҳам ўтмаган. Қишлоқда дайдиб юрганлар, турар жойи ноаниқлар ҳам бор.

Сўраб-суриштириш кечакундуз давом этди. Анчагина шубҳали кишилар текшириб кўрилди. Кўп ўтмай калаванинг учи топилгандай бўлди. Баъзилар бир кун олдин кечқурин қирғоқда икки йигитнинг олдин жанжаллашганини, сўнг ёқалашганини кўрган экан. Демак, жиноятчи шу қишлоқда бўлиши мумкин.

Қидирув бориб-бориб Низомбой Нурматов исмли шахсга тақалди. Эндигина 33 ёшга кирган оққўрғонлик бу йигит ҳеч қаерда ишламай, дайдиб юришга одатланган. Бундан уч йил олдин ўғрилик қилгани учун қўшни Чимкент вилояти, Туркистон тумани суди томонидан бир йилга озодликдан махрум қилинган. Лекин, жазони ўтагандан кейин ҳам тўғри хулоса чиқармай тентираб юрган, бир жойда муқим яшашни эп кўрмаган.

Қишлоқда яшовчилар тошкентлик Рихси Ботированинг дала ховлисига тез-тез бегона кишилар келиб туришини маълум қилишди. У билан суҳбатлашилганда кўп нарса ойдинлашди.

— Дастлаб колбаса цехи қурганимда четдан айрим ёлланма йигитлар келиб туришди, — деди у, — ҳаммасини эслолмайман.

— Шубҳалилари ҳам борми?

— Ростини айтсам, Бахтиёр деган йигит ишлаган, қўли эгрилиги учун хайдаб юборган эдим.

— Яқин орада қишлоқда кўрганмисиз?

— Ҳа, ёзда бир бор кўрувдим. Юриш-туриши ёқмагани учун қишлоқдан кетганинг яхши эди, дегандим. Кўнгилсиз воқеа бўлган куни ҳам кўрганман. Хали ҳам шу ердамисан, деб жеркисам, Низомда озгина пулим бор, оламану, даф бўламан, деди. Кўп ўтмай Низом у юрган томонга ўтиб кетди. Тахминан бир соатдан сўнг қирғоқдан «Ёрдам беринглар!» — деган овоз эшитилди. Югуриб борсам, Низом билан Бахтиёр уришаётган экан. Мен Низомга:

— Урушма, сувдан чиқ, — дедим. — Бола-чақангни ўйласангчи!

У сувдан чиқди. Кайфи бор эди. Ёнидагига қараб:

— Бу кечиришни билмайди, — деди-да Бахтиёрни яна сувга итариб юборди. Бахтиёр икки қўлини кўксига қўйиб кечирим сўрамоқчи бўлсада, Низом эс-хушини йўқотган ҳолда олишувни давом эттирди... Сувдан чиққан жасад Бахтиёрники...

Дархол Низомбой хибсга олинди. Хўш, Бахтиёр ким?

Яқшиси, унинг отаси Ахмаджон аканинг кейинчалик судда айтган ўкинч сўзларига қулоқ солинг-а:

— Бахтиёр тўртинчи фарзандим эди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкентга бориб ўқишга кираман ёки бирор жойда ишлайман, деб рухсат сўради. Лекин, умрини дарбадарликда ўтказиб, қинғир йўлга кирганини билмаган эканман. Кўп вақт дараксиз кетди. Кейин билсам, Пскентда ёлланиб ишлаб юрган экан. 1991 йилда ўғрилик қилиб қамалди. Келгач, «Ипподром»га қатнаб, тижорат қилиб юрган экан. Июль ойидан бери ўғлимни кўрганим йўқ.

Низомбойнинг айтишича, биргаликда қилишган бир қинғир иш учун Бахтиёр ундан кўп миқдорда пул талаб қилган. «У мени 2 минг «кўкидан» топиб келасан, деб мажбур қилди. Жиноят содир бўлган куни бунча пул йўқлигини айтсам, сигирингни сотасан, деди. Аранг 1,5 минг сўм топиб бердим. У эса шу куни ёнидан пичоқ чиқариб, менга ўқталди».

...Суд айбдор Низомбой Нурматовни 11 йил озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Халқимизда «бекорчиликдан бемазагарчилик чиқади» деган нақл бор. Шу билан мақолага нуқта қўйиш мумкин эди. Лекин?.. Кейинги пайтларда ишсиз юрган ёшлар, турар жойи ноаниқ шахслар учраб турибди. Бирор ерда ёлчитиб ишламаслик турли кўнгилсизликларнинг сабабчиси бўлмоқда. Баъзан ички ишлар бўлими ҳудудий вакиллари бундай кишиларга нисбатан вақтида тегишли чора кўрмайдилар. Охир оқибатда эса турли жиноятлар содир бўлмоқда. Юқоридаги фожеанинг бир учи ана шу таассуфга бориб тақалади.

М. БЕГМАТОВ,
Пскент туман прокурори.
Э. УСМОНОВ,
терговчи.
Т. ҚОСИМОВ,
«Меҳнат байроғи» газетаси муҳаррири.

Ҳар тўғрида

КАКТУС — ҲИМОЯЧИ

♦ Агар сиз компьютерда ишласангиз, уни кактус билан безатинг. Калифорния университети мутахассислари бу ўсимлик сизни электромагнит ифлосланишдан ишончли ҳимоя қилади, деб ишонтирадилар. Кактуслар яширин зарарли нурланишни ютади ва саломатлик учун зарарли бўлган энергияни тарқатади.

ДЎСТЛАШИШНИ БИЛСАНГ, УЗОҚ ЯШАЙСАН

♦ Дўстлари ва танишбилишлари кўп бўлган дилкаш кишилар бошқалардан ажралиб юрадиганларга нисбатан узоқ яшайди, деб тасдиқлайдилар фин руҳшуносларн. Улар турли ҳолатларнинг умрнинг давомийлигида таъсирини тадқиқ қилдилар. Олти йил давомида 2500 нафардан ортиқ кекса кишиларни кузатдилар ва танҳолик ҳақиқатдан ҳам умрни қисқартиришга олиб келади, деган хулосага келдилар. Оиладаги муносабатлардан қониқаётган жамоатчи ташкилотлар ишида қатнашаётган, дўстларига ёрдам бераётган ва атрофдагилардан руҳий мадад олаётган кишилар узоқроқ яшар эканлар. Бунда олимлар узоқ яшаш учун дўстлар билан тез-тез учрашиб туришгина эмас, балки муносабатларнинг самимийлиги муҳимлигини аниқладилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАСИЗ?

♦ Эркаклар ва аёллар бир хил туш кўрадими? Эркаклар кўрган тушини аёллардек эслаб қола олмайдилар, ҳатто эсласалар ҳам у ҳақда гапириб бера олмайдилар. Одатда умр йўлдошлари тушни бир вақтда кўрадилар. Эркаклар тушининг қаҳрамонлари кўпинча эркаклар бўладилар, аёллар эса тушда иккала жинс вакилларини кўрадилар. Аёллар туши «оилавий» ва нисбатан тинч, эркакларники ҳужумкор ва уй билан кам боғланган бўлади.

Об-ҳаво



ҲАРОРАТ ҚИРЧИЛЛАМА «ЁШ»ГА ЕТДИ...

Об-ҳавошуносларнинг айтишича 16-20 июль кунлари ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво булут бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 20 — 25, кундузи 37-42 даража жазирама бўлади. Шундай қилиб ёзнинг энг қизғин палласига ҳам кирдик. Айни шу кунларни белгилаб қўйинг, қани, олти ойдан сўнг эвазига табиат қандай об-ҳавони бизга берар экан?

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими:* 33-40-48 *Эълонлар:* 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30.